



Араб-Исроил можароси замонавий ислом тарихидаги энг хайратланарли ва мухим воқеалардан биридир. Можаро мураккаб ва кўп қиррали бўлиб, халқаро муносабатлардаги мунозарали масалалардан бири бўлиб қолмоқда.

Ушбу можаронинг бир жиҳати 1948 йилда Исроил давлатининг ташкил этилиши билан бошланган қочқинлар муаммосидир. 700 мингдан ортиқ фаластинликлар бир кунда - фалокат куни, арабча "Накба" куни қочқинига айланди.

1800-йилларда Европада янги миллатчилик ҳаракати вужудга келди.

Сионизм яҳудий давлатини яратиш тарафдори бўлган сиёсий ҳаракат эди. Кўплаб яҳудийлар ўз давлати уларни европаликлар томонидан қамситиш ва зулмдан қутқаради, деб ишонишган.

1897 йилда бўлиб ўтган Биринчи Сионистлар Конгрессида бундай янги давлатнинг жойлашуви ҳақидаги баҳс-мунозаралардан сўнг, сионистик ҳаракат ўша пайтда Усмонли империясининг бир қисми бўлган Фаластинда ўз давлатини ташкил этишга қарор қилди. Усмонийлар султони Абдулҳамид II ҳатто сионистик ҳаракат асосчиси Теодор Герцл (Theodor Herzl) таклиф қилган 150 млн инглиз фунт стерлинги эвазига ҳам Фаластинни беришга рози бўлмади. Бирок, Биринчи жаҳон урушидан кейин сионистлар янги имкониятларга эга бўлдилар.

1917 йилги уруш пайтида Британия Фаластинни турклардан тортиб олди. Тахминан ўша пайтда Буюк Британия ташқи ишлар вазири Артур Балфур сионистик ҳаракатга Британиянинг Фаластинда яҳудий давлатини ташкил этишда ёрдам беришини ваъда қилган декларацияни имзолади.

Урушдан кейин, 1920 йилда Миллатлар Лигаси Британияга Фаластинни бошқариш мандатини берди. Фаластин энди Британия назорати остида бўлганлиги сабабли, сионистик ҳаракат Европа яҳудийларини у ерга қўчиб келишга қаттиқ даъват этди. Натижада, Фаластинда яҳудийлар сони кескин кўпайди. 1931 йилга келиб яҳудийлар

сони 175 138 кишини ташкил этган бўлса, 1945 йилга келиб уларнинг сони 553 600 кишига етди. 25 йилдан кейин яхудийлар аҳолининг 11% эмас, балки 31%ини ташкил этди.¹

Табиийки, Фаластин араблари буларнинг барчасини иштиёксиз қабул қилишди. Хар қандай ҳолатда ҳам, янги яхудий кўчманчилар ва маҳаллий Фаластин аҳолиси ўртасида низолар пайдо бўлди.

Натижада, 1940 йилга келиб, инглизлар вазиятни энди назорат қила олмасликларига қарор қилишди, шунинг учун улар Фаластин учун мандатдан воз кечишга ва мамлакатни тарқ этишга тайёр эдилар.

БМТ режаси ва Исроил мустақиллиги

1947 йилда Британиянинг Фаластин устидан назорати яқин орада тугашини ва араблар ва яхудийлар ўртасидаги тўқнашувни кўриб, янги ташкил этилган Бирлашган Миллатлар Ташкилоти бу муаммони ўз зиммасига олди.

У "БМТнинг Фаластинни бўлиш режаси" деб номланувчи режани ишлаб чиқди. Режа тарихан Фаластин деб аталган ҳудудда иккита давлатни яратишни назарда тутган эди: бири яхудийлар учун - Исроил, иккинчиси араблар учун - Фаластин.²

Фаластин яхудийлари бу режани илик кутиб олишса-да, арабларнинг мутлак кўпчилигига бу режа ёқмади. Уларнинг фикрича, салиб юришларидан бери тарихан мусулмон арабларга тегишли бўлган ерлар улардан тортиб олиниб, мамлакатнинг янги яхудий озчилигига бериляпти. Томонлар ўртасида яна кескинлик авж олди.

Унинг энг авжида Британия Фаластиндаги мандати тугатилганини эълон қилди ва 1948 йил 14 майда мамлакатни тарқ этди. Ўша куни Фаластиндаги сионистик ҳаракат янги давлат - Исроил ташкил этилганини эълон қилди. Эртаси куни кўшни араб давлатлари бу декларацияга норозилик билдириб, Исроилга бостириб киришди.

Ушбу урушнинг тафсилотларига кирмасдан, шуни таъкидлаймизки, унинг натижасида Исроил ҳудуди бир неча марта катталашди. Пайдо бўлган давлат Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан таклиф қилинганидан анча катта бўлиб, таклиф қилинган араб давлати ҳудудининг деярли 50% ни эгаллаган.

Фаластинликларни ҳайдаб чиқариш

Эҳтимол, 1948 йилги урушнинг энг катта гуманитар оқибати Фаластин аҳолисининг катта қисмини ҳайдаб чиқариш эди.

Урушдан олдин янги Исроил давлати чегараларида 1 миллионга яқин араб яшаган. Уруш тугагач, 1949 йилда у ердан 700 мингдан 750 минггача киши қувилган.³

Исроилда факат 150 минг фаластинлик қолган. Қочкинлар урушнинг аянчли натижасидир. Урушлар ва истилолар пайтида хар доим ўз ҳаёти учун қочиб кетган одамлар гуруҳлари бўлган. Бирок, 1948 йилги фаластинлик қочкинлар нима учун қочкин бўлганлиги билан ажралиб туради.

Ушбу можаро бугунги кунда ҳам давом этар экан, тарихчилар Фаластиннинг қочиб кетиши сабабларини таҳлил қилишда сиёсат ва дипломатиядан катта таъсир ўтказмоқда. Бирок, тарихчилар, шу жумладан исроилликлар, бу оммавий қочкиннинг бир неча асосий сабабларини аниқладилар:

1. Кўркув. Кўплаб фаластинликлар Исроил ҳужумлари ва ваҳшийликларидан кўркиб

кетишди. Ва бу кўрқув асоссиз эмасди. 1948 йил 9 апрелда 120 га якин исроиллик жангарилар Куддус якинидаги Фаластиннинг Дайр Ясин кишлоғига бостириб кириб, 600 нафар кишлоқ аҳолисини киргин қилдилар.4

Баъзилар ўз кишлоғини Исроил кўшинларидан химоя қилишда халок бўлишди, бошқалари исроилликлар уйларига ташлаган гранаталарнинг портлаши натижасида халок бўлди, бошқалари Куддус кўчаларида юриш уюштиргандан кейин қатл этилди. Табиийки, бу киргин ҳақидаги хабар бутун Фаластинга тарқалиши биланок, фаластинликлар исроилликларнинг ҳамма нарсасига қодир эканини англаб етди ва уларда ўз ҳаётларидан кўркиш учун барча асослар бор эди. Кўп ҳолларда Фаластинликларнинг бутун кишлоқлари Дейр Ясин аҳолисининг тақдиридан қочиш умидида кетишди.

Баъзи исроиллик гуруҳлар, кўпинча илк кўчманчилар орасида, фаластинликларни атайлаб кўрқитиб, уларни таслим бўлишга ёки қочишга мажбур қилиш учун психологик уруш олиб боришди. Радио арабларни Исроилнинг олдинга қилишига қаршилик кўрсата олмаслигидан оғохлантирди, шунинг учун қаршилик бефойда эди.

2. Исроил кўшинлари томонидан чиқариб юборилиш. Уруш бошида кўрқув одамларни қочишга ундаган асосий омил бўлган. Аммо уруш давом этди ва 1948 йил давомида исроилликлар фаластинликларни атайлаб қувиб чиқаришди.

Улар кўпроқ ҳудудларни эгаллаб олишлари билан, Исроил кўшинлари бутун мамлакат бўйлаб тарқалди ва яқинда қўлга қиритилган кишлоқларни аҳолисидан мажбуран тозаллади.

Масалан, Куддус якинидаги Лидда ва Рамла шаҳарлари билан айнан шундай бўлди. 1948 йил июль ойида улар қўлга олингандан сўнг, Ицхак Рабин иккала шаҳардан барча фаластинликларни, яъни 50-70 минг кишини кўчириш тўғрисида буйруқ имзолади.5

Баъзиларини исроиллик аскарлар автобусларда араб фронтини яқинга олиб кетишган, бошқалари эса ўзлари билан баъзи нарсаларни олиб кетишга зўрга пиёда кетишган. 1948 йилда барча фаластинлик қочқинларнинг 10 фоизи Лидда ва Рамладан эди.

3. Араблар томонидан рағбатлантириш. Баъзида кўшни араб давлатлари, хусусан, Иордания армиялари фаластинликларни эвакуация қилишга ундаган. Балки улар ўт очиш нуктасида тинч аҳоли бўлмаган бўш жанг майдонини хохлашгандир.

Нима бўлганда ҳам, кўпчилик фаластинликлар арабларнинг муқаррар ғалабасидан кейин тез орада қайтиш умидида ва кўшни давлатларда қочқин бўлиб қолишларини билмай, араб аскарларининг илтимоси билан уйларида тарқ этишди.

Урушдан кейин

1948 йилги араб-исроил уруши Яқин Шарқда жиддий қочқинлар муаммосини келтириб чиқарди. Бу вақт ичида бутун Фаластин бўйлаб 500 дан ортиқ шаҳар ва кишлоқлар бутунлай вайрон бўлди. 700 мингдан ортиқ қочқин кўшни давлатлар ва Ғарбий Соҳил, Иордания ҳукумронлиги остидаги Фаластин ерлари учун иқтисодий ва ижтимоий юк бўлди.

1954 йилда Исроил «Инфилтрацияга қарши қонун» қабул қилди. Қонун Исроил ҳукуматида ҳозирги Исроил ҳудудидаги уйига қайтишга муваффақ бўлган ҳар қандай фаластинликни чиқариб юборишга рухсат берди.

Шунингдек, у ҳукуматга Исроил ичидаги ҳар қандай ички кўчирилган фаластинликни, агар улар ўз уйларига қайтишга ҳаракат қилсалар, чиқариб юборишга рухсат берди. Бугунги кунда қайтиш ҳуқуқи ҳали ҳам фаластинликлар ва исроилликлар ўртасидаги

тинчлик музокараларида хал килинишини кутаётган асосий масалалардан бири бўлиб колмокда. 1948 йилда фаластинликларнинг мажбуран кўчирилиши фаластинлик кочкинларнинг биринчи авлоди деярли йўқ бўлиб кетиши билан ҳам хал бўлмаган муаммо бўлиб чикди, чунки улардан бир нечтаси XXI асрнинг иккинчи ўн йиллигида ҳам омон колганди.

Манба: Lost Islamic History
Абу Муслим таржимаси

1 Тесслер, Марк (Tessler, Mark). История израильско-палестинского конфликта, (The History of the Israeli-Palestinian Conflict) изд. 2-е, Bloomington, Indiana: Indiana University Press, 2009. с..266

2 <http://unispal.un.org/unispal.nsf/0/7F0AF2BD897689B785256C330061D253>

3 Оксенвальд, Вильям (Ochsenwald, William) Фишер, Сидни (Fisher, Sydney). Ближний Восток: История (The Middle East: History) New York: McGraw-Hill, 2003, стр. 538

4 Там же

5 Моррис, Бенни (Morris, Benny). Возникновение проблемы палестинских беженцев, 1947-1949 (The Birth of the Palestinian Refugee Problem, 1947-1949) Cambridge, United Kingdom: Cambridge University Press. 1987